



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил  
10 ноябрь  
ШАНБА  
№ 90  
(12.518)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 79 590 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 155 670 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 155 670 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 95 520 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшга бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда

пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли Фармони (1-бандининг иккинчи хатбоши ва 6-банди истисно қилинган ҳолда), 2012 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдимлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 9 ноябрь.

## ЭРТАГА – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛАЙЛИК



Мустақиллик шарофати билан ҳар томонлама ривож топаётган, улкан ислохотлар туялган тарққиётга юз тутган Ўзбекистон тиббиёт соҳасида ҳам мислсиз муваффақиятларга эришмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда бошқош бўлаётган Юртбошимининг қатор Фармон ва қарорлари ижросида ушбу сый-ҳаракатларнинг бекиёс самараси бўй кўрсатиб турибди.

“Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чўқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ва Мустаҳкам оила йилида аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоятимиз соғлиқни сақлаш тизимида кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизнинг 2 млн. 690 мингдан ортиқ аҳолисига 65 та шифохона, шу жумладан, 263 та қишлоқ врачлик пункти, 4961 шифокор, 20 мингдан зиёд ўрта тиббий

ходим хизмат кўрсатмоқда. Қувонарсиз, жаҳон андозаларига мос, барча қулайликларга эга шифо масканлари кўпаймоқда. Оққўрғон, Охангарон, Бўстонлик, Бўка, Қибрай, Янгийўл туманларида янги қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди, вилоят Перинатал маркази қайта реконструкция қилинди. Беқобод шаҳар болалар шифохонаси эса ҳомилар ёрдамида капитал таъмирланди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТА: Янгийўл тумани болалар уйидаги гўдакларнинг меҳрибон онажониси, олий тоифали шифокор Тоҳира Исмоилова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлимида “Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик

жамияти институтлари ва фуқаролар иштироки механизмининг тақомиллаштириш масалалари” мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

## БУ МАСАЛАДА БОШҚА МУҚОБИЛ ЙЎЛ ЙЎҚ

Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси, адлия идоралари, республика Савдо-саноат палатаси, Адвокатлар палатаси каби ташкилот ва муассасаларнинг вилоят ҳудудий бўлими ва бошқармалари, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари билан биргаликда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар

ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаолиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўта

муҳим аҳамият касб этади. Давлат назорат функцияларига нисбатан жамоатчилик назоратининг афзал ва муҳим эканлиги тўғрисида, Юртбошимиз, жумладан, шундай деб таъкидлайди: “Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади.

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИР

# АНЖУМАНГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

Яқинда мамлакатимиз пойтахтида Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Республика Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони доирасида ташкил этилаётган ушбу кенгаш йил сайин юксак нуфузга эга бўлиб бораётган фермерлик ҳаракати янада жўшқинлик бахш этади.



Вилоят Маданият, маънавият ва маърифат марказида вилоятимиз фермерлари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг бўлажак таъсис анжуманига 30 нафар делегат сайланди. Фермер хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар тасарруфидоги ерларни оптималлаштириш мақсадларида катта амалий ишлар қилинди, – деди вилоят ҳокими Рустам Холматов йиғилишда сўзга чиқиб. – Қўрилган бу чоралар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш, ер, сув ва моддий-техник ресурслардан оқилона фойдаланиш

ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти самарасини ҳамда рентабеллигини ошириш имконини бермоқда. Қишлоқларимизда замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шаклландики, улар эндиликда фермерларга ҳар жабҳада хизмат кўрсатмоқда. Бу йил фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун 238 минг тонна пахта хом ашёси етказиб берди.

Фермерлик ҳаракати олдида турган асосий вазифа фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини янада юксалтириб, замонавий талаблар даражасига кўтаришдир. Ўзбекистон Фермерлар кенгаши айнан шу мақсадларда ташкил этилмоқда.

Бугун фермерлар қишлоқларининг ободонлаштириб, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда асосий қўлга айланди, – деди Бўка туманидаги “Жавҳар она” фермер хўжалиги раҳбари Турсунбой Азаматов. – Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, ҳудудий ва туманлар кенгаши ташкил этилаётгани қишлоқда ижара муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда янги қадам бўлади, албатта. Эеро, фермерлар ҳақиқий қишлоқ мулкдорига айланмоқдалар. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## СИНОВАДАГИ НАВЛАР

# ТОЛАСИ ПИШИҚ, ВАЗНИ ЮҚОРИ

Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш институтининг Оққўрғон элита-тажриба участкаси ходимлари “Султон-1”, “Султон-2”, “90-83”, “90-85”, “УФА-703”, “УФА-702” ва “Оққўрғон-10” гўза навларини деҳқон ва олимларнинг илмий-амалий синоваларидан ўтказмоқдалар. Илмий изланишлар ўз самарасини бериб, деҳқонлар янги навларни ўз майдонларига синаб кўриб, ижобий баҳолашмоқда.

Синаб кўрилаётган “Султон-1”, “Султон-2” ва “Оққўрғон-10” пахта навлари толасининг пишиқлиги, ҳар бир чанок пахтанинг 5-6 граммдан толи босиши, юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб турибди, – дейди тажриба участкаси раҳбари Абдусамат Бўриқулов. – Касалликларга чидамлилиги билан ҳам деҳқонларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу йил “Оққўрғон-10” навини 18 гектар майдонда синаб кўрдик, – дейди участкаси раҳбари Абдусамат Бўриқулов. – Касалликларга чидамлилиги билан ҳам деҳқонларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кадаги бригада етакчиси Тоир Мусабоев. – Янги нав уруғини “90-20-2” схемасида жойлаштириб чиқдик. Бу билан гўзаларимизнинг эркин ривожланиши учун қўлай шароит яратилди. Натижанда ҳар тулғада мўл ҳосил тулланди. Эеро, Фозил гўза тулларида 5 чанокли қўсқалар пишиб етилди. Ҳар бир экин майдонидан режадаги 25 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил кўтардик. Шунга яраша даромадимиз ҳам анчагина салмоқли бўлди. Пардабой ЭРГАШЕВ.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

# ҲАЛИ ОЛДИНДА ВАЗИФАЛАР КЎП

Республика Хотин-қизлар қўмитаси анжумани олдидан вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов конференциялари давом этмоқда.



Зангиота тумани хотин-қизлари фаолияти кенг қамраб олинган конференцияда қўмита раиси, аъзолари олиб бораётган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, туман аёллари хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий шериклик асосида ижтимоий-маънавий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда салмоқли натижаларга эришмоқдалар. (Давоми 2-бетда).

## ЭКСПОРТГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

“Ўзметкомбинат” да рангли металл ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш билан бирга маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида экологик муассаларни сақлаш чоралари кўриляпти.

Ўтган ойда цехда латун ва мис эритишда йиғилиб қолган шлак қолдиқларини қайта ишлаш участкаси иш бошлади. Бу тадбир атроф-муҳит муассаларини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга эса, республикамиз ва хориз давлатларига маҳсулотлар сотишни кўпайтириш ҳисобига эришилди. Шу йилнинг 9 ойида истеъмолчиларга 769 тонна юқори сифатли латун ва мис тасмалари ўрамлари жўнатилди.

Бундан ташқари, комбинатнинг автотранспорт чеки бугунга келиб йирик автокорхонага айланди.

Автокорхона 240 та автотранспорт, 31 та трактор, экскаватор каби техникаларга эга.

Шу йилнинг 9 ойида юк ташиш 1162,2 тонна километрни ташкил этди. Автомобилларни сиқилган табиий газга ўтказиш йўли билан ёқилғини иқтисод қилишга эришилмоқда. Йил бошидан буён 15,440 тонна бензин 10,525 тонна дизель ёқилғиси тежалди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

## ҚОНУН ВА ИЖРО

# «ЧУВИЛДОҚ»ДА ЯНГИ КОРХОНА

“Чувилдоқ” – Охангарон туманининг энг чекка маҳаллаларидан бири. Қурама тоғлари этакларида бу манзил 220 хонадондан иборат.

– Аҳоли 1300 дан ошди, – дейди оқсоқол Абдуманнон Парпиев. – Меҳнат қобилияти бор одамларимизнинг 73 фозини Ангреш шаҳрига қатнаб ишлайди. Қолганлар деҳқончилик, чорвачилик билан шугулланишди. 60 дан кўпроқ киши – ишсиз...

Мўъжазгина бўлса-да биронта хизмат қаратиш ёки ишлаб чиқариш корхонаси бўлмаган “Чувилдоқ”да узоқ йиллар кутубхоначи бўлиб ишлаган Марзия Мирзақулова кўп вақтдан буён ўз холига ташлаб қўйилиб, бузилиб бораётган боғча биносини таъмирлаш, унинг бир қисмида тикувчилик цехи, қиз-жувонлар учун ўқув маркази, бошқа хоналарни қайта тиклаб, болалар боғчаси ташкил этишга жазм қилди. Қўни-қўшиллар қўллаб-қувватлашиб, битта хонада тикувчилик цехи очди. Ишсиз юрган 10 хотин-қизнинг бошини қовуштириб, аёллар учун кийим-бош тиқини йўлга қўйди.

– Хатто, янги цехнинг чевар бичувчи-тикувчиси Санобар Саксонбоева тайёрлаган кийим-бошлар кўргазмаси туман кўрик-тан-

ловида биринчи ўринни эгаллади, – дейди “Чувилдоқ” маҳалласи маслаҳатчиси Буйиша Абдуқодирова. – Лекин, афсуски, орадан кўп ўтмай, бир тадбиркор аёл барпо этган бу кичик корхона ёпилди. Эндигина ишли бўлиб, оилалари даромадига даромад қўша бошлаган аёлларимиз яна уйда ўтириб қолишди...

Маслаҳатчининг афсусланганича бор. Охангарон тумани ҳокимлигидаги мустақил раҳбарларнинг чекка қишлоқдаги якяю ягона янги корхонани расмийлаштиришни пайсалга солишлари бунга сабаб бўлди.

– Туман хотин-қизлар қўмитаси ва тадбиркорлар

палатасининг даъвати билан шу ташландик бинони ижарага олиб, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш цехлари очишга жазм қилганда, – деди тадбиркор Марзия Мирзақулова. – Дастлаб тикув цехи очдим. Энди новвойхона қурмоқчи эдим. Бино атрофидоги 20 сотих майдоннинг бир қисмида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни режалаштираётгандим. Бизнес-лойиҳасига кўра 40 та янги иш ўрни очиларди. Юртбошимиз тасдиқлаган Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастури менга қанот бағишлаганди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАНЛОВ

# «НУРОБОД» ВИЛОЯТ ШАЪНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини сифатида ҳудудда аҳоли тинчлиги ва маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, ёшларнинг буюк аждодлар ва азалий аъналар руҳида камол топиши каби долзарб масалалар ечимига оид бор салоҳиятини мустақиллик йилларида янада тўла намоян эта бошлади.

Бугунги кунга келиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти илгари давлат бошқаруви идоралари зиммасида бўлган ўттиздан зиёд ваколатлиги муваффақият билан амалга ошириб, аҳоли ишончини тобора чуқурроқ қозонмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг мавқеи ва нуфузини яна-

да ошириб боришга қаратилган чора-тадбирлар орасида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” анъанавий танлови айниқса яхши самара берапти.

(Давоми 2-бетда).

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.



ТАНЛОВ

«НУРОБОД» ВИЛОЯТ ШАЪНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Танловнинг шахар ва туман босқичларида 1235 та маҳалла, қишлоқ ва шахарча фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этиб, энг яхши миллий удум ва аъёнани...

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқари органлари» танловини вилоят босқичи ўрта Чирчиқ туманидаги вилоят Маданият, маънавият ва маърифат марказида ўтказилди.

рамона руҳ бағишлади. Урта шарт бўйича бахс юритган 12 та фуқаролар йиғини орасида Ангрен шаҳрининг «Нуробод» маҳалла фуқаролар йиғини ўз салоҳиятини намойиш этиб, танлов ғолиби бўлди.

ди «Нуробод» маҳалласи оқсоқоли Абдужалил Эшонқулов. – Биз ҳонадон ва кўчаларни, маданий-маиший объектларни ободлаштириш билан бирга 250 дан зиёд ўсимларимиз таълим-тарбиясига, улар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига жиддий эътибор қаратаймиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ОГОҲЛИК

ЁНГИН АЙНИҚСА БОЛАЛАР УЧУН ХАВФЛИ

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари турлича. АЙНИҚСА, болаларнинг ўйинқароқлиги оқибатида содир бўлган ёнғинлар кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Кўп ҳолларда ота-оналарнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги натижасида ёш болалар уйда ёнғин қолади. Бу ҳам этмагандек, болалардан узоқда сақлаш тавсия этилган буюмларни уларнинг қўли етмайдиган жойларга қўйишни ҳам унутмади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҮМИТАЛАРИ ҲИСБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ



ҲАЛИ ОЛДИНДА ВАЗИФАЛАР КҮП

Шу билан бирга аёлларни иш билан таъминлаш, эрта никоҳ, хотин-қизлар жинояти, одам савдоси, вояга етмаганлар билан ишлаш каби масалаларга янада жиддий эътибор бериш, муаммоларга қарши курашни жонлантириш кераклиги таъкидланди.

«Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, огоҳлик, одам савдосига қарши курашиш мақсадида тадбирларни жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

«Соғлом авлод учун», «Нуроний» ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, огоҳлик, одам савдосига қарши курашиш мақсадида тадбирларни жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

БУ МАСАЛАДА БОШҚА МУҚОБИЛ ЙҮЛ ЙҮҚ

Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

лари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, қасаба уюшмалари ва бошқалар фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, давлат ҳокимияти органларининг жамоат ташкилотлари орқали ҳалқ билан мулоқоти демократияни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

тилган фаолиятлари орқали давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратадилар. Бир сўз билан айтганда, жамоат ташкилотлари сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига ҳамда қабул қилиниши назарда тутилган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдиришлари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚОНУН ВА ИЖРО

«ЧУВИЛДОҚ»ДА ЯНГИ КОРХОНА

Лекин туманининг мутасадди раҳбарлари ҳужжатларни расмийлаштиришни пайсалга солиб, тадбиркорлик қўзилавергач, у вилоят адрия бошқармасига ёрдам сўраб, муражаат қилишга мажбур бўлди.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

70 дан зиёд хорижий компаниялар ўз стэндларини намойиш қилди. Бу йилги тадбирда мамлакатимиздаги сихатдоқлар ва санаторийлар фаолияти тўғрисидаги маълумот беришчи «Тиббиёт туризми» бўлими ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭРТАГА – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БҮЛАЙЛИК

Эътиборлиси, вилоятдаги асарият даволаш-профилактика муассасалари Хитой гранти ҳисобидан ультратовуш орқали текшириш, сунъий нафас олдириш апарати ва бошқа кўплаб замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

соғлом бола туғилиши бўйича ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, амалий семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар натижасида аҳоли ўртасида юқумли, ижтимоий касалликлар камайишига эришилди.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Advertisement for 'Тошкент виллоят «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонасида республика ҳамда маҳаллий нашрларга 2013 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for '«КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Table with 3 columns: №, Объект номи, Объектнинг жойлашган манзили, Балансда сақловчи.

Advertisement for '«TURKISTON INTISOLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Advertisement for 'ТЧСЖ «ZIYODA KOMMUNAL SERVIS» (ИНН 300618574) соошбаёт о слиянии и присоединении с «OTASH SERVIS-3»

# Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда унинг касаба уюшма қўмитаси жамоалари

## Тиббиёт ходимлари куну

### муносабати билан

мамлакатимизнинг барча таъбиётчиларини касб байрамлари билан самимий муносабат этиди.

Меҳнатсевар халқимизнинг

саломатлигини сақлаш йўлидаги

фидокорона ва заҳматли меҳнатларида

ҳамиша омад, оилаларига эса бахту саодат тилайдилар.



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ИШЛАМАЁТГАН, БЎШ ТУРГАН ВА ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЭВАЗИГА БЕПУЛ БЕРИЛИШИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш Дастури тўғрисида" - ги Қарорининг 2-иловасига ва Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг

2012 йил 23 октябрда 02-02-8-36-сон билан рўйхатга олинган Баённомасига мувофиқ, қурилиши тугалланмаган, фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Танлов шартлари		Яратилган янги иш уринлари
				Минимал инвестиция миқдори (млн. сўм)	Бажа-рилиш мuddати	
1	Қурилиши тугалланмаган кўп қаватли тураржой бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри	Ҳокимият	500,0	2 йил	5
2	Жанубий қонбошқарманинг 2-сонли автоколониаси	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	НКМК	100,0	3 йил	10
3	Бўш турган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 5/3-даҳа	Ҳокимият	150,0	3 йил	30
4	Нотураржой биноси	Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, 46-даҳа	Ҳокимият	200,0	3 йил	150
5	Қурилиши тугалланмаган 89-сонли тураржой бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 5/2-кичик ноҳияси	Ҳокимият	500,0	2 йил	5
6	"Иссиқлик манбаи" ИЧБнинг қурилиши тугалланмаган қозонхона биноси	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, "Бўстон" маҳалласи	Ҳокимият	1 500,0	3 йил	40
7	"Уэнипроцветмет" ШКнинг бўш турган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 3-уй	Ҳокимият	1 500,0	3 йил	20
8	Қурилиши тугалланмаган тураржой бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 5/2-кичик ноҳия	Ҳокимият	500,0	2 йил	5
9	Бўш турган савдо маркази (супермаркет)	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примкулова кўчаси	Ҳокимият	1 000,0	3 йил	15
10	Бўш турган маъмурий бино	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Иванова кўчаси, 5-уй	Ҳокимият	50,0	3 йил	5
11	Қурилиши тугалланмаган 15-сонли тураржой биноси ва иншооти	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 3/3-даҳа	Ҳокимият	400,0	2 йил	10
12	Қурилиши тугалланмаган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 2/2-даҳа	Ҳокимият	150,0	3 йил	8
13	"Назарбеквайол" ДКнинг фаолият юритмаётган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	Ҳокимият	5 000,0	4 йил	100
14	Қурилиши тугалланмаган ётоқхона бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ломоносова кўчаси	Ҳокимият	500,0	2 йил	10
15	Қурилиши тугалланмаган сузиш ҳавзасининг бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Беруний кўчаси	Ҳокимият	150,0	3 йил	15
16	Қурилиши тугалланмаган ётоқхона бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, А. Каримов кўчаси	Ҳокимият	500,0	2 йил	5
17	Жанубий қонбошқарманинг 1-сонли автоколониаси	Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани	НКМК	500,0	2 йил	20
18	Жанубий қонбошқармасига қарашли техника ва материаллар билан таъминлаш марказининг бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани	НКМК	5 000,0	4 йил	50
19	Бўш турган автокорхона бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор ШФЙ	Ҳокимият	100,0	3 йил	15
20	Қурилиши тугалланмаган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, "Янгибозор" ҚФЙ	Ҳокимият	100,0	3 йил	15
21	Бўш турган бино ва иншооти	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Гулбахор" ШФЙ	Ҳокимият	80,0	3 йил	7

Танлов ўтказиш куну – 2013 йил 7 январь.

Танлов ўтказиш жойи – Тошкент вилояти ҳокимияти биносида.

Манзил – Тошкент шаҳри, Амир Темир шоҳқўчаси, 17-уй.

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятини бажариш учун актив ва пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказиш шартлари камидан уч кун олдин ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун кўйидаги ҳужжатлар билан қўмитанинг ҳақларини (агар аудиторилик текшируви ўтказилган бўлса) нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва кўйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги муҳрланган конвертларга солинган танлов тақлифлари;

инвестиция мажбуриятларининг тақлиф этилаётган миқдори, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари;

бизнес-режа, бажариш мuddатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

Манзил – 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй. Телефон: 259-22-48, факс: 239-83-90.

Белгиланган танлов нусхадарга объектлар сотилмаган тақдирда танлов ҳафтанинг ҳар душанба куну бўлиб ўтади.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз паймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Давлат мулки қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ишонч телефон рақамига ва husiylashtirish@mail.ru электрон почта манзилига хабар қилишингиз ёки Тошкент вилояти ҳокимлигининг (8-371) 236-27-70 телефони рақамларига кўнгирок қилишингизни сўраймиз.

ишлаб чиқариш режалаштириладиган маҳсулотнинг ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги;

хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўйиладиган иқтисодий самара;

сотиш объектини молиявий-ҳўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча асослари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссиясига – Тошкент вилояти ҳокимлиги ёки Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

## «REAL AUCTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани Суд ижроочилари бўлимининг 2012 йил 17 октябрдаги 11-26/2316-сонли ариза (бюроетма)сига асосан:

Зангиота тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ оморхонасида сақланаётган, 1. 2010 йил 19 апрелдаги 2316/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 367 149 сўм бўлган, ишлаб чиқарилган йилли номаълум, давлат рақами йўқ, "УАЗ-469" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 2. 2010 йил 15 июндаги 6843/6-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 766 852 сўм бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 Q 068 СА, "ВАЗ-2106" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 3. 2010 йил 2 июлдаги 7332/10-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси – 4 005 616 сўм бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 В 6234 бўлган, "ГАЗ-3110" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 4. 2010 йил 6 августдаги 8563/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 12 891 929 сўм бўлган, ишлаб чиқарилган йилли ноаниқ, давлат белгиси 11 М 0058, "Камаз-53212" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Бурхон Савдо" МЧЖ оморхонасида сақланаётган 5. 2010 йил 9 июндаги 6749/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 773 669 сўм бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 L 6283, "ИЖ-212510-10" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 6. 2010 йил 2 июлдаги 7340/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 532 694 сўм бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 Y 0567, "ВАЗ-21011" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 7. 2010 йил 18 июндаги 7364/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 586 769 сўм бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 O 1185, "М-412" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 8. 2010 йил 6 августдаги 8559/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 566 743 сўм бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 T 3707, "М-412" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 9. 2010 йил 12 августдаги 8676/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 894 341 сўм бўлган, ишлаб чиқарилган номаълум, давлат белгиси 11 D 7845, "М-412" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 10. 2010 йил 14 октябрдаги 11709/10-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси – 639 136 сўм бўлган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 U 1729, "ВАЗ-2101" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Саидулар Абдуллаев" МЧЖ оморхонасида сақланаётган 11. 2010 йил 16 июлдаги 7440/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 104 976 сўм бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси йўқ, "Урал М-6736" ру-

сумли техник носоз автотранспорт воситаси; 12. 2010 йил 18 августдаги 8656/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 828 195 сўм бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 H 924 АА, "УАЗ-452 В" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 13. 2010 йил 24 августдаги 8881/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 022 049 сўм бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 K 7651, "УАЗ-3962" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 14. 2010 йил 28 августдаги 9004/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 385 451 сўм бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 M 4243, "УАЗ-330301" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 15. 2010 йил 28 августдаги 9006/12-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 735 452 сўм бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 T 1132, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

11. Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани Суд ижроочилари бўлимининг 2012 йил 17 октябрдаги 11-26/15529-сонли ариза (бюроетма)сига асосан:

Зангиота тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Зангиота тумани "Нуровшон Бизнес Савдо" ХСИЧК оморхонасида сақланаётган 1. 2009 йил 25 декабрдаги 15529/9-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 638 718 сўм бўлган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Q 432 ВА, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 2. 2010 йил 17 февралдаги 1010/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 387 356 сўм бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 F 3391, "УАЗ-330301" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 3. 2010 йил 17 февралдаги 1011/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 391 370 сўм бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 В 2999, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 4. 2010 йил 9 мартдаги 1285/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 830 313 сўм бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 S 5374, "УАЗ-452" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 5. 2010 йил 11 мартдаги 1397/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 465 962 сўм бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 Q 0162, "ГАЗ-24" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Матлуботсавдо" МЧЖ оморхонасида сақланаётган: 6. 2010 йил 28 январдаги 527/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 617 567 сўм бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 А 6952, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 7. 2010 йил 2 февралдаги 605/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 617 567 сўм бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 Z 0137, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент ви-

лояти Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ оморхонасида сақланаётган: 8. 2010 йил 25 февралдаги 1129/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 401 299 сўм бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 Y 3655, "УАЗ-31512" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 9. 2010 йил 9 мартдаги 1277/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 356 494 сўм бўлган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 Z 169 СА, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 10. 2010 йил 26 февралдаги 1342/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 226 021 сўм бўлган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси йўқ, "ЛУАЗ" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 11. 2010 йил 12 апрелдаги 2069/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 435 250 сўм бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 U 0803, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 12. 2010 йил 19 апрелдаги 2289/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 475 766 сўм бўлган, ишлаб чиқарилган йилли ноаниқ, давлат белгиси йўқ, "УАЗ-469" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Бурхон Савдо" МЧЖ оморхонасида сақланаётган 13. 2010 йил 25 февралдаги 1130/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 468 016 сўм бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 H 5369, "УАЗ-469" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 14. 2010 йил 9 мартдаги 1286/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 385 439 сўм бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 Y 583 ВА, "ГАЗ-24 В" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 15. 2010 йил 26 февралдаги 1340/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 362 103 сўм бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 11 I 2720, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 11 декабрь куну соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижроочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUCTION" МЧЖнинг ЕАТБ "HI-TECH BANK"даги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 29801000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-11, 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

"PRIME BUSINESS GROUP" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300925461) устав фонди 174 076 000 сўмдан 57 712 211 сўмга камайитрилганлиги маълум қилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 76-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган Хусусий нотариал идора нотариуси Низомов Азиз Тажиевич 2010 йил 25 февраль куну вафот этганини сабабли нотариал идора иш фаолияти тугатилганини маълум қилади. Даво ва аризалар (499893) 533-01-11 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Сергели тумани ҳокимлиги ҳузурдаги ТСРҮИ томонидан рўйхатдан ўтган яққа тартибдаги тадбиркор Ли Юрий Алексеевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳри Яққасарой тумани ҳокимияти ТСРҮИ томонидан 2011 йил 18 июлдаги 003526-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган мулкчилик шакли "HUNAR-FABI" ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси - масъулияти чекланган жамиятидан "HUNAR-FABI" нодавлат таълим муассасасига ўзгартрилиши маълум қилади. Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 185-44-87 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

УЛАР БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ

... Ҳаёт гўзал ва шу билан бирга мураккабликлари, қутилмаган аччиқ азоблари ҳам бор. 1999 йил декабрда 1-синф ўқувчиси Х. Ҳасанов бахтсиз ҳодисага йўлиқди. У темир йўл бўйлаб мактабдан қайтаётганида, шағалда сирпаниб кетиб, чап оёғи ўтиб бораётган поезд тағида қолди.

Ҳақимжон беш ой касалхонада доволанди. Муолажалар уйда ҳам давом этди. Соғлиги яхшиланди. Лекин, уни руҳий тушкунлик тарқатмасди. Хонадан ташқарига чиқмас, одамларга кўринишга ийманди.

Бу бахтсиз ҳодисанинг азоб-укубатларини фарзандидан кам тотамаган онаси Маҳмуда ая ўғлига ҳар дақиқа мададкор бўлиб, руҳини кўтаришга ҳаракат қиларди.

Соғайиб, ҳаётга қайтишимда онаминг хизматлари чексиз бўлди, - деб эслади бугун Ҳақимжон. - Руҳий соғломликка эришимиз, бардошли ва матонатли бўлишимиз

га ҳам онам ёрдам бердилар. Кечагидай эсимда, маҳалладош дўстларимни чақириб келиб, хонадан ташқарига олиб чиқарди. Аввалона, ногирон ҳолатда улларга кўришни истамасдим. Уртоқларим ҳар куни келишарди. Болалик экан-да, уйинга берилиб, кўнглим кўтариларди.

Ҳақимжон меҳрибон устозлари кўмагида ўқишни давом эттирди. Устози Гулнора Каримова ҳар куни уйига келиб, машғулотлар олиб борарди. Кейинчалик ўзи мактабга қатнай бошлади.

Одам тафтини одам олади, дейишгани ҳақ гап экан, - сўзида давом этди Ҳақимжон. - Маҳалладаги дўстларим Отабек, Исоқ, Сайфуллолар ёрдамида яна мактабга қатнай бошладим. Синфдошларимнинг меҳрибонлиги кўнглимни кўтарди. Синф раҳбаримиз Комила Комилова, мактабнинг ўша вақтдаги директори Саодат Дадабоева ва бошқа устозларимдан бе-

ҳад миннатдорман.

2007 йил Маҳмуда Ҳасанова 15 ёшли Ҳақимжонни Тошкентга - ногиронлар футбол жамоасига олиб борди. Бош мураббий Рустам Қориев илиқ кутиб олиб, машғулотларга қатнашиб туришни таклиф этди. Бир йилдан сўнг Ҳақимжон футболга бўлган қизиқиши, тиришқоқлиги ва интилиши туфайли жамоа таркибига қабул қилинди.

Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган бу йилги чемпионатда дунёнинг энг кучли терма жамоалари билан кураш олиб бориш осон бўлмади, албатта, - дейди Ҳақимжон Ҳасанов. - Бироқ мурраббийимиз Мовзурхўжа Умархўжаев бошчилигида матонат ва жасорат кўрсатиб, барча жамоалардан кучли эканлигимизни намойиш этди.

Ярим ҳимоячи Ҳақимжон ҳар бир уйиндаги галабага муносиб ҳисса қўлди, рақиблар дарвозасини икки бор ишғол этди.



Ҳақимжон 20 ёшида жаҳон чемпиони бўлди, давлат мукофоти. "Жасорат" медали билан тақдирланди. Унинг ҳаётдан умидлари кўп. Ўрта Чирчиқ ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини бухгалтерия мутахассислиги бўйича тугаллаган Х. Ҳасанов ўқишни олий ўқув юртида давом эттириш ниятида. Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.



«UBS» МОЛИЯВИЙ ТАНГ АҲВОЛДА

Швейцарияда давом этаётган иқтисодий инқироз мамлакатнинг "UBS" банки молиявий аҳволига пўтур etkazмоқда.

ПАТА-ТАССНИНГ хабар беришича, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида мазкур банк қирқ икки миллиард АҚШ доллари миқдоридан зарар кўрган. "UBS" иқтисодий қийинчиликлар туфайли жорий йилда ўн минг нафар ходимини ишдан бўшатиш ниятида. Айни пайтда банкда олтимши тўрт миң ходим фаолият юритмоқда.

"UBS" вакилларининг сўзларига кўра, ходимлар сонини камайтириш банкка қарийб тўрт миллиард АҚШ доллари миқдоридан маблағ тешаш имконини беради.



НИГОҲ

ГИЁҲФУРУШЛИК - МЎМАЙ ДАРОМАД МАНБАИ

ёхуд тожик ҳукмдорлари нима сабабли гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши курашмаётганлари ҳақида

БМТнинг яқинда эълон қилинган ҳисоботи героин моддасини Афғонистондан Россияга etkazиш йўл-йўригини ойдинлаштирди. Ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотнинг таъкидлашига қараганда, ҳар йили Марказий Осиё худудидан тўқсон тонна соф героин ташиб ўтилади. "Минтақанинг, яъни, Тожикистон ва Қирғизистоннинг юқори мансабли амалдорлари гиёҳвандлик моддалари айланлишига ё ўзлари аралашиб қолганлар еки пора олиб, бу жараёнга кўз юмадилар. Кўшни мамлакатлар ўртасида ҳамкорликнинг йўлиги контрабандачилар учун айни мўддао бўлаётти" дейилади гиёҳвандликка қарши кураш идораси ҳисоботида.



2010 йилда Марказий Осиё гиёҳфурушларининг героин сотишдан олган даромадлари 1,4 миллиард сумдан кўпроқ бўлди. Ушбу тайёр фойданинг анчагина қисми тожикистонлик гиёҳфурушларнинг ҳаётида қолганини таъкидлашди БМТ экспертлари. "Яшил ажал"нинг асосий қисми Тожикистон худудидан ўтишини ҳисобга олиб, шундай ҳулоса қилинди.

Ушбу доллар мавзуда сўз борар экан, шу йил тожик-афғон чегарасида юз берган воқеа ҳақида ҳикоя қилиш ўринлидир. Тожикистон чегара кўшиллари беш бошқармасининг Афғонистон чегарасидаги Панж чегара отряди заставасига қуролли ҳужум уюштирилди. Осколкал граната портлаши оқибатида икки мўддатли ҳарбий хизматчи ва бир зоти ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлишди, яна беш ҳарбий хизматчи оғир жароҳланди. Кейинчалик ярадорлар мудофаа вазиригининг Қўрғонтепа шаҳридаги ҳарбий госпиталига ётқизилди.

Бу орадаги суриштирувлар натижасида заставага энг кучли таъсирга эга афғон нарқобаронларидан бирининг кўрсатмаси билан ҳужум қилинган маълум бўлди. Бу ҳақи тўланмай қолган 170 килограмм героин учун ўч олиш экан. Яъни, заставка бошлиғи До-ниёр Яздонов афғон шерикларидан бири бўлган нарқобаронни ўзича "чув" туширгани учун ўч киши ўз ҳаёти билан "ҳақ" тўлабди.

Кизиғи шундаки, чегара кўшини кўмондонлиги бу воқеани ошқор қилишни истамасди. Шундоқ ҳам давлат ва халқ олдига ҳарбий хизмат бурчларини адо этишни хохламаётган тожикистонлик ёшларни бу қонли воқеа билан чўчи-тишни маъқул кўрмадилар. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига "киприк қоқмай", ўз халқларининг қурбони бўлишди, яъни, белгиланган ҳаракат йўналишидан адашиб кетиб, минани босиб олишди ва портлаб кетишди, деб кўя қолишди.

Бир томондан эса, Афғонистон тожик чегарачиларини афғон нарқобаронлари билан алоқадорликда айб-лашдан тўхташмайди. Генерал Муҳаммад Довуд "тожик чегарачиларининг афғон нарқобаронлари охирдан тамадди қилишлари ҳақида далилларим бор" деган эди.

Нурилло МАҲАМАДИЛЛОВ. www.centrasia.ru.

ҚИММАТБАҲО СТОЛ КИМОШДИ САВДОСИДА

Дунёга машҳур "Дракула" асарининг муаллифи - ирландиялик Брэм Стокернинг иш столи кимошди савдосига қўйилди. Кимошди савдоси жорий йилнинг 15-16 декабрь кунлари АҚШнинг "Profiles in History" савдо компанияси сайтида ўтказилди.




Ўза ва интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ШАХМАТ. Лондон шаҳрида ўтказилган "City of London International Blitz" халқаро турнирида ўнга яқин мамлакатдан 20 нафар шахматчи иштирок этди. Тажрибали гротмейстеримиз Тоҳир Воҳидов олти учрашувда бешта галаба ва бир дурангга эришиб, беш ярим очко билан турнир ғолиби бўлди.

ЭРКИН КУРАШ. Қозғонистонда ўсмирлар ўртасида ўтказилган аънанавий халқаро турнирда ўнга яқин давлатдан 270 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун гиламга чиқди. Мусобақада ёш полбонларимиздан Евгений Генералов ва Армон Даурханов кумуш, Диёр Эргашев бронза медалга сазовор бўлди.

ТАЭКВОНДО. Ўзбекистон таэквондо ИТФ федерацияси спортчилари Буюк Британиянинг Браунтон шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогига иккитадан олтин ва кумуш, битта бронза медалини кўлга киритди. Дунёнинг 54 мамлакатидан спортчилар иштирок этган мусобақада комплекс машқ бажариш бўйича Диана Хон ва Зарина Шемданова шоҳусупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Муҳаммад-азиз Турсунов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, яна бир кумуш медалга жамоавий беллашуларда кўлга киритилди. Яккама-якка кураш бўйича баҳсларда қатнашган Акобирхўжа Тўлқинов бронза медал билан тақдирланди.



Ўза.

Ассалому алайкум, Пўпалоқ ота, яхшимисиз? - Тўғрон ота кўшининг неварасини шундай қарши олди ва катталардек таклиф қилди. - Қани, иккарига кирсинлар.

Чол болақанининг бошини силар экан: "Болақанимда хўпна семиз эдим. Ҳалиям ушандаман. Мени пўпалоқ дейишарди. Ҳозир бу исминини айтадиганлар кам қолди", - деган ҳаёлга борди.

Дарвозахонага киришувди, ҳовлидан Ҳалима аянинг овози эшитилди: - Ҳой Тўғронга болам, кўна-кўйдан хунук гаплар эшитдим. Тегирмон кўчасида биттасининг, Богбонда бошқасининг бошини айлантириб юрган эмиссан. Иккита боланг бор-а. Учта хотинни бошинга урасанми?!

Ийигит шарақлаб кулиб юборди. - Бошини айлантириб дейсизми? Улар аёллар эмас, электр ҳисоблагич-ку! Э, чойхонами кўтарса деб... Пўпалоқ ота ҳовлига отилиб кирди: - Ҳай-ҳай, Тўғрон, ишларинг йўғон-ку! Адашганимиздан уялиб кетдим. Сен туғилганда онанг

ушун чиқарган. Қани арқон? Оталаринг, буваларинг арқонсиз молни ташқарига олиб чиқашмаган. Ризкимиз ушбу бўлади, дейишган. Санларда уят борми, уят! Исминг нима? - Ҳай, бува. Айрим соқоқлиқ пул ўрнига кўллари очиб дуо қилишарди. Шунга... Отанинг кўзлари пирпирлади: - Ҳой, исминг нима? Тўғрон эмасми? - Э, танир экансиз-ку, - Ия! Ия!

Чол бугунги ажабтовур воқеалардан беихтиёр кулиб юборди. - Ҳа, кўлдингиз, отагинам? - Э, Тўғронлар бор бўлсин! Умрлари узоқ, топганлари баракали. - Ана! Баракали деясиз. Кўруқ дуо билан баракали бўладими? - Ҳай, тўхта! Мана пул. Қайтими керакмас! Суф-е!

Отанинг тиззалари "қалт-қалт" қилиб, тинимсиз "тавба" дерди. Шу чоқ велосипеддан тўшиб келган маҳалладоши унга яқинлашди: - Ассалому алайкум, Тўғрон ота!

Тўғрон-чи? - Тўғронни бугун сув ювиб кетди, сув! Асқўжа ИНОФОМОВ.

«Тўғонни сув ювиб кетди» (Ҳажвия)

сўхибасига ўғирилди. - Бунинг қулгоғини резинкадек чўзиб ташла! - Тўғон. - Тўғон? Э, суф-е! Жаҳдан антиқиб қолган ота пичирлади: "Э, яёв юр, яёв юр, дейишарди. Мана пиеда юришнинг оқибати. Яна бир беҳаё адашни ўқардим". У келаятган "Жигули"га кўл кўтарди. Тўхтамай кетаётгани, ота кўллари кўтарганча илтижо қилди: - Ҳо, болагинам! Болагинам! Ҳайдовчи машинасини орқага тислантириб келди: - Болам, молга шохни арқон

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2013 йилда КИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЎЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИ БОШЛАДИ! 2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Топловдан ўтган нудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги; Бир йиллик сифат қаранти; Улезуғи нарқларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Омонатлигини кўпайтириш имконияти; Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил мўддатга ипотека кредити; Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари; Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди; Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни - тежамкорлик ва арзон нарқлар сарови.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Топкент вилояти ҳокимлиги Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Манзилимиз: 100000, Топкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс); 233-12-83, 233-48-08; 236-55-54, 233-54-10. Топкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Топкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Юлдузхон МУҲИДИДИНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ